

Тасдиқлайман



“Тошкент ИЭС” АЖ

КУҚ раиси

М.М.Касимова

# “Тошкент иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятининг аёллар кенгашининг йиллик ҳисоботи



2024 йил бўйича аёлларга  
куйидаги ишлар амалга  
оширилди:

- 10 нафар и малака оширди.
- 15 нафарига модний ёрдам ажратилди;
- 5 нафарига олий ўқу вуртида ўқиётганлар учун фонсиз ссуда ажратилди;
- 12 нафарини разрядноширилди;
- 5 нафар аёлларимизни лавозими оширилди;
- 10 нафардан зиёд кийналган аёлларга ижтимоий кўмак берилди;
- 5 нафар ногиронлиги ва ногирон фарзанд тарбия қилаётганларга модний ёрдам берилди.

## 2024 йил

## **“8 март – Халқаро хотин-қизлар куни” муносабати билан тантанали байрам тадбири ўтказилди.**

**“Тошкент иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти ходималари учун байрам муносабати билан пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.**

Ноодатий тарзда бошланган тадбирда, корхона раҳбарлари томонидан ходималар гуллар ва мусиқа садолари остида кутиб олинди. Уларнинг кўзларидаги қувонч ва юзларидаги табассуми тадбирнинг позитив кайфиятда ўтишига замин яратди.

Тантанада иштирок этган бош директори Шамсиев Рустам Ташпулатович томонидан машаққатли ва шу билан бирга шарафли касбда хизмат қилаётган ходималарни байрам билан қутлаб, уларга қимматбаҳо совғалар берилди

*Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Деманг, юрибди-ку қулиб жилмайиб.  
Аёл қулиб туриб ўлиши мумкин,  
Дунёни олиши мумкин жилмайиб.  
Аёлга бахт беринг, саодат беринг,  
Гар кўзлари қулиб турса-да,  
Бўғзининг остида неча минг ҳасрат,  
Ой юзлари қулиб турса-да...*





## ***“Аёл-жамият гултожи” кўрик танлови***

Баҳор – байрамлар фасли. Кўкламни соғинган эллар унинг ташрифидан қувончга тўлиб, ҳар бир кунни байрамга улайди. Аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш ўзбек халқига хос олижаноб хусусиятлардан биридир. “Тошкент иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятида ҳам “8 март – Халқаро хотин-қизлар куни” муносабати билан “Балли қизлар” кўрик танлови ўтказилди.

Танловда беш нафар ходима аёлларимиз беллашган танлов таништирув, мусикий танаффуз, ҳамда эркин мавзу шартлари асосида ўтказилди.

- 1.-Ўрин “Баҳор гуллари” жамоаси 370МВТ буғ-газ турбина цехи
- 2.-Ўрин “Шаддод қизлар” жамоаси цехлардан
- 3.-Ўрин “Уч юлдуз” жамоаси кимё цехи

Танлов ғолибларига “Тошкент ИЭС” АЖ маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байдам дастурида санаткорлар ва корхонамиз “Ёшлар иттифоқи” етакчиси Абдувалиев Хуршид Фахриддин ўғли томонидан қувноқ кўшиқлари билан барчага кўтаринки кайфият улашдилар.

ИЛОВА: Танловдан фото лавҳалар







**“Спорт саломатлик гарови” шиори остида хотин-қизлар ўртасида тадбир  
ташкил этиш**

***“Спорт саломатлик гарови” шиори остида хотин-қизлар  
ўртасида волейбол***

Аҳоли ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзига интилишларини шакллантириш, бо‘ш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни спортга бўлган қизиқишларини ошириш, спорт турлари билан шуғулланишлари учун спорт тўғаракларига жалб этиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан биридир. Соғлом турмуш тарзи, инсон саломатлигини асраш, узоқ умр кўришнинг гарови эканлиги ҳаммамиз учун аён ҳақиқат бўлиб, аҳолининг соғлом турмуш тарзи ва фаровон ҳаёти ифодаси ҳисобланади.

“Тошкент иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятида бу соҳада талайгина ишлар амалга оширилиб келинмоқда, хусусан хотин-қизлар барча спорт турлари билан шуғулланишлари учун барча шароитлар яратилган. Корхонани хотин-қизлар жамоаси ҳам бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, бўш вақтларида мунтазам равишда спорт турлари билан шуғулланиб, соғлиқларини мустаҳкамлаб келишмоқдалар.

“Спорт саломатлик гарови” шиори остида хотин-қизлар ўртасида волейбол спорт тури бўйича мусобақа ўтказилди. Мусобақада 5 та жамоалар иштирок этди.

**Шунингдек, 1-ўринни Металлар лабораторияси**

**2-ўринни 370 МВт Бугаз турбина қурилмаси цехи**

**3-ўринни иссиқлик назорати ва автоматика цехи жамоалари  
эгаллашди.**

Ғолиб жамоалар корхонамиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

**ИЛОВА: Мусобақадан фото лавҳалар**







## *“Ёшлар ойлиги” дастури доираси*

Ёшлар ҳафталигида ўтказилган тадбирлар ёшлармизни маънавий-маърифий, жисмонан ва ақлан янада камол топишларига қаратилган бўлиб, уларни ҳаётда ўз ўринларини топиб, мукаммал инсон бўлишларини кўзлаган. Шу ўринда уларни жамиятимизга керакли инсон бўлишлари, уларда соғлом рақобат, келажакка ишонч, самимийлик ҳисларини янада мустаҳкамлаш мақсади илгари сурилган.

Ҳозирги кунда ёшлар билан суҳбатлар қуриш, уларни ички дунёсига назар ташлаш корхона раҳбарияти учун жуда муҳим вазифа саналади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, корхонамиз томонидан ёш ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш фаолиятларида ёрдам қўлини чўзиш ва бошлиқ лавозимларига тайёрлаш каби масалалар жиддий қўриб чиқилмоқда.

Шунингдек ушбу дастур доирасида “Тошкент иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамияти хотин-қизлар ҳам фаол иштирок этишди. Корхонада 100 метрлик югуриш бўйича мусобақа ташкил этилди.

Мусобақада фаол иштирок этган хотин-қизларимиз ичида

**1-ўринни      Металлар      лабораторияси      лаборант-металлографи  
Носирходжаева Юлдуз Пўлат қизи**

**2-ўринни 2-қозонтурбина цехи техниги Рустамова Наргиза Алишер қизи  
эгаллашди.**

**Мусобақа ғолибларига корхона томонидан совғалар топширилди.**

**ИЛОВА: Мусобақадан фото лавҳалар**





## **“Хон атлас” миллий фестивали- қадриятимиз зийнати**

Оила ва хотин қизлар қўмитаси томонидан миллий либосларимизда халғимизнинг минг асрлик ўтмиши, урф-одат ва анъаналари, эстетик қарашлари шунингдек ўзига хос хусусиятлари мужассамлиги намояён этиш, миллий қадриятларимизни мазмунан бойитиш мақсадида “Хон атлас” фестивалини ўтказиш анъанага айланган. Ушбу анъанани кенг тарғиб қилиш мақсадида жорий йилнинг 8-14 апрель кунлари “Хон атлас” фестивалининг биринчи боқиши ўтказилган эди. Шунингдек жорий йилнинг 9-14 сентябрь кунлари иккинчи боқишини юқори савияда ўтказиш белгиланган.

“Тошкент иссиқлик электр станцияси” акциядорлик жамиятида ҳам ушбу тадбир кўтаринки кайфиятда ўтказилди. Хотин-қизлар ходималаримиз миллийлигимизни тарғиб этган ҳолда ишга миллий либосимиз бўлган атлас, адрасларда келишди.

Энг чиройли кўринишга эга бўлган аёлларимиз учун махсус совғалар тақдим этилди.

ИЛОВА: Тадбирдан фото лавҳалар







# Хукукий-маърифий тадбир

Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонлик турлари тўғрисида тушунчалар берилди. Тадбирда хотин-қизларнинг сиёсий-хукукий билимларини ошириш ва оилада зўравонликнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Тошкент вилояти Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўлими раҳбари Дилорам Махамадалиева томонидан зўравонликларни куйидаги турлари ҳақида гапириб ўтилди. **жинсий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан уларнинг розилигисиз шахвоний хусусиятга эга ҳаракатларни содир этиш орқали жинсий дахлсизликка ва жинсий эркинликка тажовуз қиладиган зўравонлик шакли, шунингдек зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилиш ёхуд аёл жинсидаги вояга етмаган шахсларга нисбатан ахлоқсиз ҳаракатлар содир этиш орқали учинчи шахс билан жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, **жисмоний зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан оғирлиги турли даражада бўлган тан жароҳатлари етказиш, хавф остида қолдириш, ҳаёти хавф остида қолган шахсга ёрдам кўрсатмаслик, зўравонлик хусусиятига эга бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этиш, жисмоний таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказишнинг ўзга чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали хотин-қизларнинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган зўравонлик шакли; **зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, қадр-қиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик); **иқтисодий зўравонлик** — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озиқ-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишга бўлган ҳуқуқини, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик); иш жойи — ўзи билан тузилган шартномага мувофиқ меҳнат мажбуриятларини амалга ошириш ёки хизмат вазифаларини бажариш учун бўлиши ёки бориши лозим бўлган, иш берувчи томонидан бевосита ёки билвосита назорат қилинадиган жой; **руҳий зўравонлик** — хотин-қизларни ҳақоратлаш, уларга тухмат қилиш, таҳдид қилиш, уларнинг шаънини, қадр-қимматини камситиш, шунингдек уларнинг хоҳиш-иродасини чеклашга қаратилган бошқа ҳаракатларда ифодаланадиган зўравонлик шакли, шу жумладан репродуктив соҳада назорат қилиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотир уйғотган, ўзини ҳимоя қила олмасликка олиб келган ёки руҳий соғлиғига зарар етказган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

**Тадбирда** "Тошкент ИЭС" АЖ Бош директорининг ижтимоий масалалар бўйича маслаҳатчиси Гулнора Аҳмедова, Тошкент вилояти Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш бўлими раҳбари Дилорам Махамадалиева, Қибрай туман ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Раҳима Наипова иштирок этишди.

Корхонада меҳнат қилаётган аёл ходималарни ўзларини қизиқтирган саволлар ҳамда қийнаётган муаммолари бўйича қизгин давра суҳбати ҳам ташкил этилди.

ИЛОВА: Тадбирдан фото лавҳалар





## ***“Бизнинг жамоа” номли мотивацион - семинар тренинг***

Семинар аввалида малакали психолог барча ходимлар иштирокида қизиқарли психологик тест ўтказди. Содда ва оддий кўринган саволлардан тузилган бўлса-да, инсонни мантиқан фикрлашга ундайдиган психологик синовларга бой тестларни ечар экан, ҳар бир ходим ўз характериани таҳлил қилиб, келажаги учун керакли ва зарур йўналишларни белгилаб олди.

Семинар-тренингдан катта таассурот олдим, – дейди семинар иштирокчиси. – Бундай қизиқарли семинарлар ҳар бир меҳнат жамоаси учун ҳам фойдали деб ўйлайман. Психологик тестларни ечиш давомида ўзим, оилам, ишдаги ва ҳаётдаги режаларим учун керакли йўналишларни белгилаб олдим-дейди аёлларимиз.

Семинар- тренингнинг асосий мақсади жамоани жипслаштириш ва ходимлар ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини яратиш бўлиб, иштирокчиларга нафақат бир-бирини яхшироқ билиш, балки умумий мақсадларга эришиш учун зарур бўлган жамоада ишлаш коўникмаларини ривожлантириш имконини берди.

Тренингдан сўнг жамоа сезиларли даражада бирлашди. Ходимлар иш жойида ўзаро тушуниш ва муҳит яхшиланганини қайд этдилар. Жамоа ичидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ҳар бир жамоа аъзосининг иш фаолияти ва мотиватсиясига бевосита таъсир қилиши аён бўлди.

Тренинг “Гармония” ННТ раҳбари , психолог Айгул Тешебаева томонидан олиб борилди.





*15-ноябрдан 15-декабргача “Ёнгин хавфсизлиги ойлиги” қуни муносабати билан корхонада хотин-қизлар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ўтказилди.*



**Корхонада фаолият юритаётга хотин-қизларни малакасини ошириш**

**-2024 йил давомида 10 дан зиёд хотин-қизларни малакаси оширилди.**

**-хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 4 та хотин-қизларни корхона ҳисобидан ўқини тўлов-контрактинини амалга оширилди.**

**Шунингдек йил давомида самарали меҳнат қилиб-келаётган хотин-қизлар энергетика кунли муносабати билан қуйидагича тақдирландилар:**

**-“Энергетика Фахрийси” фахрий унвони билан 2 нафар;**

**-“Тошкент иссиқлик электр станцияси” АЖ “Фахрий Ёрлик” билан 11-нафар;**

**-“Тошкент иссиқлик электр станцияси” АЖ ташаккурномаси билан 9-нафари тақдирланди ва пул мукофоти билан рағбатлантирилди.**

**Хотин-қизлар  
комиссияси раиси**



**А.Ш.Исмаилова**